

## МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР ВА АРХИТЕКТУРА ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТУЗИЛИШИННИНГ УЙҒУНЛИГИ

**Ғофуржонов Жаҳонгир Козимжон ўғли**

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн

институти Дастангоҳли рангтасвир мутахассислиги

2 босқич магистранти

**Аннотация:** Фреска, мозаика, витраж, сграффито каби услубларни бирлаштирувчи маҳобатли рангтасвир санъати бир неча даврлар давомида биноларни безаган ва хатто бугун ҳам бу услубларга қизиқиш илгаригидек долзарб. Санъатнинг бу тури асрлар оша такомиллашиб келди ва бизнинг кунларда ҳам тобора камол топаётир. Рангтасвирнинг меъморчилик билан боғлиқ бу тури ўз-ўзича айро кўринишида бўлолмайди. У маълум бир юзада жойлашиб, атроф муҳит билан ажralmas бирликда бўлади. Зеро ўз ривожига эришган маҳобатли рангтасвир асарлари ва улар ўрин олган биноларнинг - замонавий меъморий иншоотларнинг ўзаро уйғунлашуви, санъатлар синтезини ўзида мужассам этади.

**Аннотация:** Искусство монументальной живописи, сочетающее в себе такие стили, как фреска, мозаика, витраж, сграффито, украшало здания на протяжении нескольких периодов, и даже сегодня интерес к этим стилям актуален как никогда. Этот вид искусства совершенствовался на протяжении веков и становится все более совершенным в наши дни. Этот тип живописи, связанный с архитектурой, не может быть обособленным. Он располагается на определенной поверхности и находится в неразрывном единстве с окружающей средой. Действительно, взаимная гармония произведений монументальной

живописи, достигшие своего развития, и зданий- современных архитектурных сооружений, в которых они расположены, , олицетворяет синтез искусств.

**Abstract:** The art of monumental painting, combining such styles as fresco, mosaic, stained glass, sgraffito, adorned buildings for several periods, and even today, interest in these styles is more relevant than ever. This art form has been perfected over the centuries and is becoming more and more perfect today. This type of painting associated with architecture cannot be isolated. It is located on a certain surface and is inseparably united with the environment. Indeed, the mutual harmony of the works of monumental painting, which have reached their development, and the buildings - modern architectural structures in which they are located, personifies the synthesis of arts.

Мусавиrlар маҳобатли рангтасвир воситалари қўмагида асар яратадилар ва улар ҳар доим чизматасвир, композиция имкониятларидан фойдаланадилар. Маҳобатли санъат қандайдир ўз-ўзича айро кўринишда бўлолмайди. У маълум бир юзада жойлашиб, атроф муҳит билан ажralmas бирликда бўлади. Монументал-маҳобатли рангтасвир – рангтасвирнинг меъморчилик билан боғлиқ тури; биноларнинг ички қисми, шифтлари, қисман бинонинг ташқи томони деворларига ишланган тасвирлардир. Маҳобатли асар шакли биринчи навбатда унинг маъноси билан ва унинг архитектуравий мажмууда ёки айнан бинода эгаллайдиган ўрни билан белгиланади. Яратилаётган маҳобатли рангтасвир асарлари билан бу асарларни намоён қилиб турувчи меъморий бино хусусиятларини уйғулаштириш вазифаси доимо бирламчи вазифа қилиб қўйилиши керак.

Инсон гўзалликни идрок этмай ёки гўзалликка интилмай ҳаёт кечира олмайди. Инсон табиат ва жамият гўзаллигини хис этгунча, узоқ асрлар тараққиёт тарихини босиб ўтган ва шаклланиб борган. Санъат тарихида қайд этилган қанчадан-қанча ғорлар ва қоятошлардаги ҳайвонлар тасвири мана шу

ривожланишни ўзида намоён қиласи. Бундай тасвирлар вақт ўтиши билан такомиллашиб, мазмунан бойиб, ўзгариб борган [3.108]. Муқаммал кўринишдаги илк ўрта асрларга тегишли Афросиёб, Панжикент, Варахша деворий суратлари- ноёблиги, гўзаллиги ҳанузгача томошабинларни хайратлантирум оқда. Ўрта асрларда, Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам турли мазмундаги деворий суратлар ва безаклар муҳташам бинолар, сарой ва масжидларни, мадрасаю мақбараларни кўркига кўрк қўшиб, бу бинолар улуғворлигини намойиш қилган.

Дарҳақиқат, қадимги инсонлар чизган суратларни археологлар дастлаб қоятошлар юзасида, ғорлар деворларида топганлар. Кейинчалик деворий суратлар ишлаш йирик бадиий кўриниш тарзида бинолар –черковлар, саройлар, ибодат бинолари ички деворлари ва фасадларида намоён бўлади. Кўриб турганимиздек қадимги рангтасвир девор, шифт ва бошқа қурилмаларсиз мавжуд бўла олмайди[3.76].

“Маҳобатли” рангтасвир тушунчаси биноларни бунёд этиш санъати билан ривожланган услубларни бирлаштиради. Фреска, мозаика, витраж, сграфито-рангтасвирнинг бу турлари бир неча даврлар давомида биноларни безаган ва хатто бугун ҳам бу услубларга қизиқишил гаригидек долзарб. Санъатнинг бу тури асрлар оша такомиллашиб келди ва бизнинг кунларда ҳам тобора камол топаётир.

Меъморчиликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳам техникани, ҳам санъатни ўзида мужассам этади. Бинонинг ғоявий мазмуни ва унинг бадиий пластик образи, рангтасвир ҳамда ҳайкаллардан фойдаланиш архитектура билан биргаликда маҳобатли санъат турларини қўллашга ёрдам беради ва улар бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган “санъатлар синтези”ни келтириб чиқаради[2.23]. Санъатлар синтези бугунги кунда бадиий ечимга эришиш учун ягона асос ҳисобланади. Бунда турли хил санъат турлари бир иншоот мажмуасида бирлашиб, ўзаро уйғунлик кашф этади, бир-бирини тўлдиради ва бойитади.

Замонавий Ўзбекистон меъморчилигига аждодларимиз истеъдоди билан яратилган, меъморий ғоялар мужассам бўлган бой меросдан оқилона фойдаланиш бугунги меъморлар ва безатувчи рассомлар олдидағи масъулиятли вазифалардан бири бўлиб қолди. Ўтган даврлар меъморчилиги анъаналарига хос равишда бунёд этилган мустакиллик иншоотларидағи меъморий ечимлар ва уларга уйғунликда ишланган нақшу нигорлар бу вазифани бажаришга сидқидилдан киришилганидан далолатдир. Зеро, “Хозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини санъат, маданият намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди” [1.158].

Архитектура ва пластик санъатлар синтези шакллари жуда хилма-хил, улар ҳар бир муайян ҳолатда архитектор ва рассом ижодий ғоясининг ягоналиги, бирлиги билан белгиланади. Бунда маҳобатли санъат архитектура моҳиятининг ифода воситаси сифатида намоён бўлади. Архитектура ва маҳобатли санъат ҳамкорлиги рассом ва архитекторнинг, лойиҳалашнинг дастлабки босқичлариданоқ биргаликда ишлашлари билан белгиланади.

Охирги йилларда маҳобатли санъат бизнинг ҳаётимизга янада кенгроқ кириб боряпти. Архитектуравий биноларда, бино мажмуаларида роспись, витраж, мозаика, сграффито, ҳайкалтарошлиқ композициялари ишланяпти. Янги мавзулар юзага келяпти, янги тасвирий воситалар пайдо бўляпти. Меъморий бинодан ўрин олган рангтасвир композициясини, маҳобатли безак элементларини шу бино умумий силуэти, шакли-шамойили, меъморий композициясига, шунингдек бино вазифасига, мазмун-моҳиятига уйғунликда ишланишига аҳамият бериш маҳобатчи рассомнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Яъни ҳар қандай бинони безатиш ишларини бажарувчи, унга маҳобатли сурат ишлаш ёки безак элементлари, турли нақшу-нигорлар билан тўлдирувчи, мукаммаллаштирувчи рассом олдида турадиган энг жиддий вазифа- бу, меъморий иншоот билан уни безатувчи деворий сурат ва безакларнинг ўзаро уйғунлашувини таъминлашдир.

Зеро, турли давлатлар билан бир вақтда Марказий Осиёда ҳам кенг фойдаланиб келинган, ўз ривожига эришган маҳобатли рангтасвир асарлари ва улар ўрин олган бинолар - замонавий меъморий инишотларнинг ўзаро уйғунлашуви, санъатлар синтезини ўзида мужассам этади.

Маҳобатли рангтасвир санъати тарихига назар ташлар эканмиз, бинолар деворларида тасвирий манзаралар билан безак санъати элементлари- турли нақшу-нигорларнинг ҳамоҳангликда ишланганлигини кўрамиз. Ўрта асрларда қурилган сарой, масжид, хонақоҳ ва мақбаралар ҳам ўзининг тархи, ички ва ташқи композицияси, деворларидаги ўймакорлик қилинган ўта нафис нақш юзалари билан ўз даврига хос, бой меъморий анъаналарни сақлаб қолган. Сўнгги ўрта асрларда қурилган мадраса, сарой, мақbara, хонақоҳ обидалари эса ўзининг салобати, баланд минора ва гумбазлари ҳамда ранг-баранг ҳандасавий ва ўсимликсимон безаклари билан шаҳарларимиз меъморий, маданий салоҳиятини кўз-кўз қилмоқда. Уларнинг интеръери ҳам баҳаволиги, ранг-баранг безаклари, композицияси билан иморат ички муҳитига тантанаворлик бағишлаган[5.39]. Ҳар қандай турдаги иморат ички кўриниши ўзининг ташқи композицияси билан боғланиб келган. Иморат ташқи безаги ҳам унинг ички қисмидаги безаклар композициясини кўп ҳолларда қайтаради.

Иморат тархи, умумий кўриниши ҳамда ички кўриниши бинонинг фаолият вазифасидан келиб чиқади. Интеръер ва экстеръерлар давр ўтиши билан, инсон ижтимоий шароитининг, эътиқодининг ўзгариши натижасида шаклланиб келган. Орнаментларнинг ҳам қўлланиш тури ўзгарган, безак воситаси кенгайиб борган. Меъморларимизнинг бугунги кунда ҳам анъанавий қурилиш усулларидан фойдаланаётганлиги қувонарлидир[4.26]. Улар миллий анъаналарни тиклаш замирида янги технологияларни тараққий эттиришга эришмоқдалар. Аммо миллийлик деб бино фасадига миллий безакларнинг ва шаклларнинг тўғридан-тўғри кўчириб қўйилиши миллий меросни тор доирадагина ўрганганликни билдиради. Айниқса меъморчиликда экстеръернинг “индивидуал”лиги ва бетакрорлиги ўзига хосдир. Замонавий бинолар экстеръерида баъзан шундай

ҳолатларга дуч келамизки, бино безак услуби умумشاҳар композициясига тўғри келмайди, бошқа ҳолатда эса бадиий ечим атроф-муҳит характерига мос тушмайди. Замонавий меъморчиликда илгор миллий бадиий анъаналардан ўринли фойдаланишни билиш керак. Нақшу нигорларнинг бинолар меъморий кўринишига ҳамоҳангликда, уйғунликда бўлиши талаб этилади. Шунинг учун меъморлар, қолаверса маҳобатли рангтасвир усталари ўз халқи маданияти ва тарихини комплекс ўрганган ҳолда ўтмиш маданиятининг энг яхши томонларини ола билиши, унинг турли жиҳатларини умумлаштира олиши лозим.

Бугунги кунда юртимизда янги қурилаётган биноларда миллийлик руҳи сезиларли даражада намоён этилган. Биноларда ишлатилаётган миллий орнаментлар ва уларнинг замонавий кўринишдаги талқини диққатимизни ўзига жалб этади. Шуни таъкидлаш лозимки, бинода хоҳ у тарзда бўлсин, хоҳ интеръерда, анъанавий декоратив графика элементларининг замонавий қиёфадаги кўриниши биноларимизнинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Замонавий архитектура бинолари янгича тектоник тузилишга эга бўлиб, маҳобатли рангтасвир рассомларидан янги вазифаларни ечишни талаб қиласди. Биноларнинг бўш қолган деворларини ўз композицияси билан тўлдириш тушунчасидан воз кечиб, биноларнинг синтези (боғлаш, мослаш, тузиш) билан яқиндан шуғулланиш лозим бўлади[2.82].

Бинонинг вазифасига, бадиий мазмунига, тузилиш ритми (вазни)га қараб композиция тузилишини ҳал қилиш зарур. Аммо маҳобатли рангтасвир асари бинонинг қуруқ безаги бўлиб қолмаслиги керак. Архитектура биносига ишланган ҳар қандай маҳобатли рангтасвир асарининг дастгоҳли рангтасвирдан фарқи, уни бошқа бино деворига кўчириб бўлмайди. Чунки у фақат ўша бино деворигагина мўлжалланган.

Бўлажак рассом маҳобатли рангтасвир композициясининг архитектура билан боғлиқ қонун ва талабларини, композиция воситаларини чукур билиши керак. Маҳобатли рангтасвир композицияси мавзуси учун композиция ишланган

бино архитектураси характери муҳим аҳамиятга эга. Бино тури, унинг вазифаси, ғоявий-эстетик аҳамияти, шаҳар қурилишида жойлашуви кабилар композиция мавзусини танлашда биринчи қадам бўлиб, архитектура билан маҳобатли рангтасвир узвий боғланишини таъминлайди.

Маҳобатли рангтасвир асари мавзусини архитектура биноси мазмунидан ажралган ҳолда, алоҳида ҳал қилиб бўлмайди[2.25]. Одатда рассомдан у ишлаётган композиция мавзусида катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тарихий, фалсафий, ҳарбий, ҳалқ хўжалиги каби мавзуларни очиб бериш талаб қилинади. Композиция ҳар қандай оддий ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган биноларнинг ташқи фасадларида, интерьерида катта фойелар, вестибул, музей, кутубхона заллари деворларида бўлиши мумкин. Баъзи биноларда майший безак кўринишида ҳам амалга оширилади.

Архитектура бинолари тузилиши ва кўриниши маҳобатли рангтасвир асарини идрок қилишга ўз таъсирини кўрсатади. Шунга кўра бино конструкциясининг моҳиятига мос тарзда ташқи ва ички муҳитини тасвирий санъат воситалари- деворий рангтасвир, наққошлик ёки ҳайкалтарошлик элементлари уйғуналигига безатилиши кўзда тутилган.

Интерьер ва экстерьернинг “мутаносиблик” муаммоси юзаки безакликка мойил бўлган советлар даври сиёсатидан кескин фарқ қилиб, мустақиллик даврида бунёд этилган ва маҳсус лойиҳаланган биноларда бир қадар ўз ечимини топган. Бинолар экстерьерида уларнинг интерьерида ишланган деворий сурат ва нақшу нигорларга мос бўлган услублар қўлланилган. Кўплаб бинолар ички ва ташқи меъморий элементларининг совуқ ёки иссиқ ранглари улардаги деворий суратларнинг илиқ-совуқ туслари билан сингиб кетади. Ҳозирги вақтда бинолар қурилишидаги меъморлар ва биноларни безатишдаги рассомлар маҳаллий ҳалқимизнинг анъаналарини ҳисобга олиб, турли бадиий воситалардан бадиий тугаллик яратишга интилишмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент, “Маънавият”, 2008, 176 б.
2. Степанов Г. В содружестве с архитектурой. Л:“Художник РСФСР”.1966, 94с.
3. Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель. Очерки искусства Средней Азии. Т: Искусство.1982, 288 с.
4. Бобоҷонова Г.И. Принципы взаимодействия монументального искусства и архитектуры. Архит. и стр. Узбекистана. Ташкент 1983, №6 стр 26-28
5. Д.Н. Султонова. Ўзбекистон меъморчилигига деворий рангтасвирни уйғунлаштириш тамойиллари (шаклланиш ва тараққиёт йўллари) номз. Диссерт. Т-2004, 209 б.